

Бақара сураси, 119-оят

20:15 / 16.11.2017 3178

Албатта, Биз сени ҳақ билан хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Ва сен дўзах соҳиблари ҳақида сўралмассан. Бақара 119.

Аллоҳ таоло ушбу оятда бир неча масалаларни баён қилмоқда:

1. Бир Пайғамбар келган, унинг вазифаси – мўмин-муслмонларга севинчли хабар бериш, кофир-фосиқларни дўзах азобидан огоҳлантириш. У зот Муҳаммад алайҳиссаломдирлар.

2. У Пайғамбарни Аллоҳ таолонинг Ўзи юборган.

Мукофот ёки жазони Аллоҳнинг Ўзи беради.

Муҳаммад алайҳиссалом кофирларнинг куфрларига жавобгар эмаслар, уларнинг қилмишларидан сўралмайдилар.

Демак, Набий алайҳиссалом ҳақ билан келганлар, бошқа гапга ўрин йўқ. Аввалги оятларда зикр қилинган шак-шубҳага, мўъжиза талаб қилишларга ҳам ўрин йўқ. Гапни кесиб гапирганда, шундан бошқа гап йўқ. Ҳақ билан келган Набий алайҳиссаломнинг вазифалари – яхши амал қилган мўминларга Аллоҳ томонидан бўладиган савоб, юқори даража ва жаннати наъимнинг башоратини – севинчли хабарини бериш ва кофирларни, гуноҳкорларни азоб-уқубатдан ва дўзахдан огоҳлантириш. Шундан кўриниб турибдики, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарликлари тузатувчи, тўғриловчи пайғамбарликдир. Оятда:

«Ва сен дўзах соҳиблари ҳақида сўралмассан», – дейилишига кўра, Набий алайҳиссаломнинг даъвату огоҳлантиришларидан кейин ҳам кофир ҳолида қолганлар дўзахга тушадилар. Пайғамбардан «Нима учун улар иймонга келмадилар?» деб сўралмайди. Ҳар бир кофир ўзи учун жавоб бераверади.

Модомики, муслмонлар ҳақда эканлар, уни маҳкам тутиб, олға қадам ташламоқлари лозим. Бошқаларнинг гап-сўзларига эътибор бермаслик керак, чунки уларнинг ниятлари бузуқ.